

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Dsc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ОТАЖОНОВ ИЛХОМ ОТАБОЕВИЧ

**СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИ БЎЛГАН БЕМОРЛАР УЧУН
КАМ ОҚСИЛЛИ ПАРҲЕЗНИ ТИББИЙ-БИОЛОГИК АСОСЛАШ**

14.00.07 – Гигиена

**ТИББИЁТ ФАҲЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Отажонов Илхом Отабоевич

Сурункали буйрак касаллиги бўлган
беморлар учун кам оксилли парҳезни
тиббий-биологик асослаш 3

Отажонов Илхом Отабоевич

Медико-биологическое обоснование
малобелковой диеты для больных с
хронической болезнью почек 27

Otazhonov Ilkhom Otaboevich

Medico-biological justification
of low-protein diet for patients
with chronic kidney disease..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Dsc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ОТАЖОНОВ ИЛХОМ ОТАБОЕВИЧ

**СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИ БЎЛГАН БЕМОРЛАР УЧУН
КАМ ОҚСИЛЛИ ПАРҲЕЗНИ ТИББИЙ-БИОЛОГИК АСОСЛАШ**

14.00.07 – Гигиена

**ТИББИЁТ ФАҲЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/Tib361 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.tma.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Шайхова Гули Исламовна**
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Искандаров Тулкин Искандарович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Усманов Ислам Аббасович
тиббиёт фанлари доктори

Сабиров Максуд Атабаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Хожа Ахмад Яссавий номидаги Халқаро Қозоқ-Турк университети (Қозоқистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019. Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2. Тел/факс: (99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2 уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.И. Саломова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.Ш. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори

Ф.И. Саломова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, доцент

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда буйрак касаллигининг ривожланишига таъсир қилувчи ўзгарувчан хавф омилларига тўлиқ таъсир кўрсатиш мақсадида овқатланиш сифати ва тартибини ўзгартириш долзарб муаммоларидан бирига айланиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, тўғри, мувозанатлашган овқатланиш ҳозирги пайтда эрта ўлим ва умр кўриш давомийлигининг қисқариши кўплаб сурункали касалликларнинг олдини олишда асосий аҳамият касб этади. Муаллифларнинг келтирган маълумотларига кўра, «...сурункали буйрак касаллигида буйрак етишмовчилигининг терминал босқичи ва юрак-қон томир тизими асоратлари ривожланиши туфайли ногиронлик ва ўлим билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келадиган умумтиббий муаммо бўлиб, 5,0-11,0% аҳоли ушбу касалликдан азият чекмоқда ва касалликнинг йиллик ўсиш сурати 6% ни ташкил қилиб, йилига 1,2 миллион инсоннинг ўлимига сабаб бўлмоқда...»¹. Бироқ, кам оқсилли парҳезни сурункали буйрак касаллигининг диализгача бўлган даврини сезиларли узайтиришда эришилган ютуқларга қарамай, амалий тиббиётдаги энг долзарб муаммолардан бирига айланиб бормоқда.

Жаҳонда сурункали буйрак касаллиги бўлган беморлар учун кам оқсилли парҳезни тиббий биологик асослашни такомиллаштириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада сурункали буйрак касаллиги билан хасталанган беморларнинг касалланиши даражаси, ҳаёт сифатини яхшилаш, нутриентив статусини гигиеник баҳолаш, соя уни билан бойитилган нон маҳсулотини биологик қийматини, тажриба моделида соя уни билан бойитилган нон маҳсулотини хавфсизлигини асослаш ҳамда маҳаллий маҳсулотлар киритилган янги кам оқсилли парҳезни ва соғломлаштирувчи чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва касалликни олдини олишга қаратилган даволаш тизимини яратишни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда аҳолининг турли қатламлари орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, овқатланиш билан боғлиқ касалликларни олдини олиш, сурункали касалликларни маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлардан тузилган даволовчи овқатланиш орқали даволашга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишига мувофиқ «...мамлакат аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш, жумладан, сурункали буйрак касалликларининг олдини олиш, эрта ташхислаш, ўлим сонин камайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича комплекс чора-

¹Ромаданова О.И., Семидоцкая Ж.Д., Власенко М.А., Власенко Е.М., Бутикова Е.А. Современные принципы нефропрофилактики и ренопротективные эффекты малобелковой диеты с применением кетоаналогов незаменимых аминокислот у пациентов с хронической болезнью почек // Журнал «Почки», №4 (10), 2014. – С. 59-66.

тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда сурункали буйрак касаллиги бўлган беморлар учун кам оқсилли парҳезни қўллаш орқали касалликни даволаш самарадорлигини такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 июлдаги ПҚ–3846-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 18 декабрдаги 4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги 4887-сон «Аҳолини соғлом овқатланишни таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Сурункали буйрак касаллиги бўлган беморлар учун кам оқсилли парҳезни ишлаб чиқиш ва уларни тиббий-биологик асослашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of Ohio (АҚШ), University of Rome (Италия), University of Medicine and Pharmacy (Руминия), University of Lyon (Франция), Medical University of Lodz (Польша), University of Manitoba, University of Québec (Канада), Adichunchanagiri Institute of Medical Sciences B.G.Nagara (Хиндистон), University of Chulalongkorn (Тайланд), University of Sichuan, University of Shanxi, University of Nanjing (Хитой), Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Сурункали буйрак касаллиги бўлган беморлар учун соя уни билан бойитилган нон маҳсулотини хавфсизлиги ва самарадорлигини асослаш, беморлар учун кам оқсилли парҳез ишлаб чиқиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси дастури тўғрисида» Фармони.

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.sydey.com, www.uniroma1.it, www.umfcd.ro, www.universite-lyon.fr, www.chula.ac.th, www.scu.edu.cn, www.umed.pl, www.bgsaims.edu.in, www.umanitoba.ca, www.osu.edu, www.nju.edu.cn, www.ewha.ac.kr, www.uquebec.ca, www.tma.uz сайтлар асосида иш лаб чиқилган.

олинган: ўсимлик оксили киритилган, шунингдек гўшт, натрий тузи ва шакар миқдори чекланган парҳез сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларда ўлим хавфини камайтириши исботланган (University of Lyon, Франция), (Medical University of Lodz, Польша); кам оксилли парҳезга кетостеролни кўшиш унинг таъсирини кучайтириши ва оксил мувозанатини ушлаб туриши исботланган (University of Lyon, Франция), (University of Chulalongkorn, Тайланд), (University of Sichuan, Хитой); оксил миқдори чегараланган парҳез буйрак фаолиятини пасайишига ва сурункали буйрак касаллиги бўлган беморлар учун буйрак етишмовчилиги хавфини камайтириши исботланган (University of Shanxi, Хитой); пребиотиклар ва унинг кўшимчлари киритилган кам оксилли парҳез сурункали буйрак касаллиги ривожланишини кечиктириши исботланган (Adichunchanagiri Institute of Medical Sciences V.G.Nagara, Хиндистон); соя уни кўшиб таёрланганда хамирнинг реологик хусусиятлари ва нонни тайёрлаш сифатига таъсири ўрганилган (University of Nanjing, Хитой); сурункали буйрак касаллигида жамоат ва даволовчи овқатланиш учун ихтисослаштирилган маҳсулотлардан овқат рационали ишлаб чиқилган (Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон).

Дунёда сурункали буйрак касаллиги бўлган беморлар учун кам оксилли парҳез ишлаб чиқиш, соя уни билан бойитилган нон маҳсулотининг озиқавий ва биологик қийматини баҳолаш, унинг хавфсизлиги ва самарадорлигини асослаш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларнинг овқатланиш статуси ва конгнитив фаолиятини баҳолашни асослаш; сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларнинг кунлик овқатланишини биологик ва энергетик қийматини асослаш; соя уни билан бойитилган нон маҳсулотларини кимёвий таркиби ва биологик қийматини гигиеник асослаш; сурункали буйрак касаллиги бўлган беморлар учун янги кам оксилли парҳезни ишлаб чиқишни такомиллаштириш; сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларнинг ижтимоий-гигиеник таснифи ва ҳаёт сифатини баҳолашни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Даволовчи овқатланиш–сурункали буйрак касалликларининг турли босқичларида муҳим аҳамият касб этади (Beto J.A., 2014). Бундай ёндошувнинг сабаби шуки, буйрак патологияларида овқатланиш статуси айниқса, касалликнинг терминал босқичида касалланиш ва ўлим ҳолатининг асосий аниқловчиси ҳисобланади (Кучер А.Г., 2006; Михайлова Л.В., 2019). Ҳозирги кунгача беморларни овқатланиш статусини яхшилаш учун организмга юқори биологик қийматга эга оксиллар тушишини таъминлаш бирмунча қийинчиликлар туғдиради. Бу муаммони хал этиш учун кўпчилик олимлар (Береснева О.Н., 2011; Милованова Л.Ю., 2011; Александрова И.И., 2013; Шутов Е.В., 2013; Рамаданова О.И., 2014; Chauveau P., 2009; Piccoli G.V., 2013; D’Alessandro C., 2013; Chewcharat A.K., 2020) перорал ҳамда парентерал овқатланишни таклиф этганлар. Сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларни рационал овқатланиш қоидалари, озиқ-овқат маҳсулотларини таркибий қисмига кўра танлашни (оксил, ёғ, карбонсувлар, минерал моддалар, витамин) ҳамда

витами́н препаратлари ва овқат қўшимчаларидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича касалланишни турли босқичларида ўрганиб бориш лозимлиги аниқланди. Буларнинг барчаси турли босқичдаги буйрак патологияли беморлар учун парҳез овқатланишни такомиллаштиришга йўналтирилган қўшимча тадқиқотларни талаб қилади.

Ўзбекистонда аҳолининг турли қатламлари орасида овқатланиш билан боғлиқ касалликларни олдини олиш, турли соматик касалликларнинг даволаш парҳез овқатланиш билан самарали даволаш, сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг тизимли тартибини яратиш борасида қатор илмий тадқиқот ишлари бажарилган (Т.И.Искадаров 2009, 2018; Г.И.Шайхова, 2017, 2020; Д.А.Зарединов, 2019; А.С.Худойберганов 2017, 2020; Саломова, 2009, 2018; Б.А.Дусчанов, 2020; Р.Т.Камилова, 2019; Ш.Я.Закирходжаев, 2017; Н.Ж.Эрматов, 2019, 2020; Ф.Л.Азизова, 2020; Д.Ш.Алимухамедов, 2020), бироқ, сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларни даволашда миллий таомлар киритилган кам оқсилли парҳез асосида даволовчи овқатланиш ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмаган.

Бироқ, бугунги кунга келиб республикада аҳолининг турли қатламлари орасида соғлом овқатланиш тартибининг бузилиши натижасида ривожланадиган соматик касалликлар орасида буйрак касалликларнинг ўрни юқоридир, шуни инобатга олиб, ўсимлик оқсиллари асосидаги кам оқсилли парҳезни сурункали буйрак касаллигининг диализгача бўлган даврини сезиларли даражада узайтиришга оид саволларга ҳозирги кунгача бир хилдаги жавоблар топилмаган бўлиб, сурункали буйрак касаллиги бўлган беморлар овқатланишини индивидуаллаштириш, уларнинг рационини қўшимча нутриентлар билан бойитиш ҳисобига нутриетив кўрсаткичларини яхшилаш зарурлигини тақоза этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДСС 15.27.8 «Сурункали буйрак етишмовчилиги хасталигига чалинган беморлар учун кам оқсилли парҳез, ҳамда янги нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2015–2017 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади сурункали буйрак касаллиги бўлган беморлар учун кам оқсилли парҳезни тиббий-биологик асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали буйрак касаллиги билан хасталанган беморларнинг касалланиши ва ҳаёт сифати кўрсаткичларини баҳолаш;

сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларнинг овқатланиш ва нутриетив статусини гигиеник баҳолаш;

соя уни билан бойитилган нон маҳсулотини кимёвий таркиби ва биологик қийматини баҳолаш;

сурункали буйрак касаллиги чақирилган тажриба ҳайвонлари моделида соя уни билан бойитилган нон маҳсулоти хавфсизлигини гигиеник баҳолаш;

сурункали буйрак касаллиги бўлган беморлар учун янги кам оқсилли парҳезни ишлаб чиқиш;

сурункали буйрак касаллиги бўлган беморлар учун соя уни билан бойитилган нон маҳсулоти киритилган янги кам оқсилли парҳезидан фойдаланиш самарадорлигини гигиеник асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифтида 2015-2017 йиллар давомида Тошкент шаҳар нефрология марказида даволанган 21 ёшдан 76 ёшгача бўлган сурункали буйрак касаллиги бўлган 105 нафар беморлар ҳамда соя уни билан бойитилган нон маҳсулоти киритилган янги кам оқсилли парҳез таомномаси, шунингдек, тажриба ҳайвонлари (зотсиз оқ каламушлар) олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида сурункали буйрак касаллиги бўлган беморлар учун соя уни билан бойитилган нон маҳсулотининг озикавий ва биологик қиймати, хавфсизлиги, соя уни билан бойитилган нон маҳсулоти ва миллий таомлар киритилган янги кам оқсилли парҳезни таркиби, озикавий ва биологик қийматини, тажриба ҳайвонларида морфофункционал ва биокимёвий кўрсаткичларига таъсири, организм учун уларнинг токсик қийматини гигиеник баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда сўровнома, органолептик, физик-кимёвий, биокимёвий, гистологик, экспериментал, ҳисоб-китоб ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларнинг ижтимоий муҳити, касалликнинг асосий нозологик шакллари ва касалланиш ҳолати, ҳақиқий овқатланиш ва тана вазни индекси кўрсаткичлари орқали овқатланиш статусини баҳолаш такомиллаштирилган;

соя уни билан бойитилган янги «Бойитилган» нон маҳсулоти учун техник шартлар ва технологик йўриқномалар ишлаб чиқилган, уларни органолептик, физик-кимёвий ва биологик хусусиятлари асосланган;

адоптирланган лимфоцитлар ёрдамида сурункали буйрак касаллиги моделлаштирилган етук оқ каламушларда соя уни билан бойитилган нон маҳсулотларининг тиббий-биологик хавфсизлиги ва самарадорлиги исботланган;

сурункали буйрак касаллиги бўлган беморлар учун соя уни билан бойитилган нон маҳсулоти киритилган миллий таомлардан тузилган кам оқсилли янги парҳез ишлаб чиқилган;

сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларда янги ишлаб чиқилган «Бойитилган» нон ва миллий таомлардан тузилган янги кам оқсилли парҳез таомнома стационар ва амбулатор шароитда самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

соя уни билан бойитилган нон маҳсулотининг органолептик, физик-кимёвий ва озикавий қийматини баҳолашга қаратилган технологик йўриқномалар ишлаб чиқилган;

сурункали буйрак касаллиги бўлган беморлар учун соя уни билан бойитилган нон маҳсулоти ва миллий таомлар киритилган кам оқсилли парҳез ишлаб чиқилган;

соя уни билан бойитилган нон маҳсулотларини ишлаб чиқишга йўналтирилган услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

сурункали буйрак касаллиги бўлган беморлар учун парҳез овқатланишни ташкил қилишга йўналтирилган услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган сўровнома, органолептик, физик-кимёвий, биокимёвий, гистологик, экспериментал, ҳисоб-китоб ва статистик тадқиқот усуллари асосида сурункали буйрак касаллиги бўлган беморлар учун кам оқсилли парҳезни тиббий-биологик асослашнинг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларга кам оқсилли парҳезни оптималлаштиришда, беморларнинг кунлик овқатланиш тартибини, соя уни билан бойитилган «Бойитилган» нон маҳсулоти ишлаб чиқиш технологиясининг тартиби, миллий тамолардан ташкил топган таомноманинг таркиби тузилиши, бойитилган нон маҳсулотининг органолептик, физик-кимёвий кўрсаткичлари, озиқавий ва биологик қиймати тажриба ҳайвонлари моделида баҳолаш қаратилган методологик ёндашувлар асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларга кам оқсилли парҳезни такомиллаштириш бўйича услубий тавсиялари, соя уни билан бойитилган «Бойитилган» нон маҳсулотини ва сурункали буйрак касаллиги бўлган беморлар учун нон маҳсулоти ҳамда миллий таомлар киритилган кам оқсилли парҳезнинг клиник апробацияси, биокимёвий кўрсаткичларига, шифохонада дори-дармонлар билан даволаниш вақтини қисқартиришида ижобий самара берганлиги, кам оқсилли парҳездан фойдаланиш сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларнинг ҳаёт сифатини оширишга қаратилган амалий аҳамияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали буйрак касаллиги бўлган беморлар учун кам оқсилли парҳезни тиббий-биологик асослаш бўйича бўйича олинган илмий натижалар асосида:

соя уни билан бойитилган нон маҳсулотининг озиқавий ва биологик қийматини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган ТИ 02140225-01:2017 меъёрий-техник ҳужжатлар тасдиқланган. Натижада аҳолининг турли қатламлари овқатланишида фойдаланиш учун ушбу маҳсулотларни саноатда кенг оммавий тармоққа киритиш имконини берган;

сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларни даволаш ва олдини олиш учун соя уни билан бойитилган нон маҳсулоти киритилган кам оқсилли парҳез ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган

илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Сурункали буйрак етишмовчилиги бўлган беморлар учун кам оқсилли парҳез» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 14 сентябрдаги 8н-р/129-сон маълумотномаси). Натижада сурункали буйрак касаллигини олдини олиш ва даволаш тизимини такомиллаштириш мақсадида маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларидан тайёрланган янги парҳез ишлаб чиқиш имконини берган;

сурункали буйрак касаллиги бўлган беморлар учун соя уни билан бойитилган нон маҳсулотларини органолептик, физик-кимёвий ва озиқавий қийматини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Соя уни билан бойитилган нон маҳсулотларини ишлаб чиқиш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 09 октябрдаги 8н-р/432-сон маълумотномаси). Натижада сурункали буйрак касаллиги бўлган беморлар овқат рационини қўшимча нутриентлар билан бойитиш орқали нутриетив кўрсаткичларини яхшилаш имконини берган;

сурункали буйрак касаллиги бўлган беморлар учун кам оқсилли парҳезни тиббий-биологик асослаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари соғлиқни сақлаш тизими, жумладан, Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали клиникаси ва Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2021 йил 07 майдаги 8н-з/98-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши сурункали буйрак касаллиги билан хасталанган беморларда касалликнинг босқичларини баҳолаш, янги ишлаб чиқилган асоратларини даволаш ҳаражатлари ва дори воситаларини қўллашни камайтириш учун ишлаб чиқилган соя уни билан бойитилган нон маҳсулотлари ва миллий таомлар киритилган кам оқсилли парҳездан фойдаланиш натижасида беморларда касалликнинг оғир асоратларини олдини олиш ҳамда даволаниш муддатларини қисқартириш билан биргаликда ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан, 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 185 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Сурункали буйрак касаллигида пархез овқатланишнинг ўзига хос томонларининг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг сурункали буйрак касаллиги ривожланишининг хавф омиллари, профилактикаси ва унда даволовчи овқатланишнинг тутган ўрни бўйича ҳозирги аҳволи бўйича таҳлили тақдим этилган. Муаммонинг назарий жиҳатларини таҳлил қилинган ва тадқиқотлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштирилган, шу билан биргаликда муаммонинг афзалликлари ва камчиликлари ҳамда мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашувини ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **«Сурункали буйрак касаллиги бўлган беморлар учун соя уни билан бойитилган нон маҳсулотлари киритилган кам оксилли пархез самарадорлигини баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти, материал ва усуллари келтириб ўтилган. Тадқиқотнинг тажриба қисми Тошкент тиббиёт академияси қошидаги Олий таълим муассасалараро илмий-текшириш лабораторияси ва «Donmahsulotlari IChM» илмий-амалий марказининг аккредитацияланган тажриба мажмуасида ўтказилди, шунингдек, Тошкент шаҳар нефрология шифохонасида беморлар билан даволаш ва лаборатор текшириш ишлари олиб борилди, таҳлилий ва статистик қисми эса Тошкент тиббиёт академиясининг Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедрасида олиб борилди. Назоратга олинган 21 ёшдан 76 ёшгача бўлган 105 нафар беморларни ўртача ёши – $53,8 \pm 1,31$ (аёлларда – $54,7 \pm 1,48$; эркекларда – $51,6 \pm 2,70$) ёшни ташкил қилди.

Беморлардаги ёндош касалликларни таҳлил қилиш учун тиббий карталардан (№025/У шкал.) Сурункали буйрак касаллиги (СБК) бўлган беморларда (325 нафар) анамнезига оид маълумотларни ўрганишда бошидан кечирган касалликларга, сурункали касалликлар ва юқумли касалликлар ўчоқларига эътибор берилди. Касалланиш таҳлили Халқаро касалликлар таснифи ХКТ-10 классификацияси асосида амалга оширилган. СБК бўлган беморларда ақлий фаолиятини ўрганиш учун когнитив бузилишларнинг умумий ҳолатини баҳолаш учун махсус тестлардан фойдаланилди. Беморларга ижтимоий гигиеник тавсиф бериш ва касалликнинг хавф омилларини аниқлашда замонавий тиббиётнинг статистик усуллари билан бири

ходиса-назорат тадқиқот усулидан фойдаланилди. Бунда ходиса гуруҳида СБК бўлган 105 нафар бемор ва назорат гуруҳида эса 150 нафар шу ёшдаги шахслардан маълумотлар йиғилди. Тадқиқотга жалб қилинганларнинг ҳаёт сифатини аниқлашда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан таклиф қилинган SF-36 сўровномасидан фойдаланилди.

Овқатланиш хусусиятларини ўрганиш учун кузатув остидаги беморлар икки гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ – 18 ёшдан 59 ёшгача бўлган эркаклар ва 18 ёшдан 54 ёшгача бўлган аёллар; 2-гуруҳ – 60 ёш ва ундан катта эркаклар, 55 ёш ва ундан катта аёллар. Беморларнинг овқатланиш хусусиятини баҳолаш учун озиқ-овқат истеъмолини таҳлил қилиш орқали амалга оширилди. Маълумотлар йилига 2 марта экспедиция шароитида (қиш-бахор ва ёз-куз мавсумларида) ойнанинг бошида 3 кун, ўртасида 4 кун ва охирида 3 кун (10 кун) давомида беморлар томонидан ҳақиқий истеъмол қилинган маҳсулотларни алоҳида сўровнома асосида ўрганилди. Олинган натижалар «Озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби» бўйича ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси учун озиқ-овқат истеъмолининг ўртача кунлик меъёрлари (СанМваҚ 0105-01) билан таққосланди.

Соя уни билан бойитилган массаси 0,4 кг дан 1,1 кг гача бўлган қолипсиз ва қолипли кўринишда – 5% ва 10% соя уни кўшиб ишлаб чиқарилган «Бойитилган» нон, соя уни кўшилмаган нон маҳсулотларини хавфсизлигини аниқлаш учун экспериментлар жинсий етилган, тана вазни 250-300 г бўлган, эркак жинсидаги 24 та оқ каламушларда бажарилди. Адоптирланган лимфоцитлар киритилган ҳайвонлар тажрибанинг 7-куни ҳар бир гуруҳда 6 та каламушни тутган 4 та гуруҳга (1-назорат гуруҳи – интакт каламушлар, 2-тажриба гуруҳи – оддий парҳезда (соя билан бойитилмаган нон маҳсулотлари) боқилган каламушлар, 3-тажриба гуруҳи – 5% соя уни билан бойитилган нон маҳсулоти киритилган парҳездаги каламушлар, 4-тажриба гуруҳи – 10% соя уни билан бойитилган нон маҳсулоти киритилган парҳездаги СБК бўлган каламушларга ажратилди. Қон зардобидаги биокимёвий кўрсаткичлар биокимёвий анализатор ВА-88 А (Mindray, P.R.China)да стандартлаштирилган усулда аниқланади: умумий оқсил – биуретиклар (Бельгиянинг CYPRESS Diagnostics фирмаси реактивлари тўплами), мочевина – витал уреаз/глутаматдегидрогеназа усулида (Vital development Corp. Россия), креатинин – Яффе усулида (Бельгиянинг CYPRESS Diagnostics фирмаси синамалари тўплами). Ҳайвонларнинг аъзо ва тўқималари СБК моделидан сўнг 60 кун ўтиб гистологик текширувдан ўтказилди.

Соя уни билан бойитилган нон маҳсулотини СБК бўлган беморларда самарадорлигини аниқлашдан учун Тошкент шаҳар нефрология марказида даволанаётган беморларнинг 60 нафари танлаб олинди. Назорат гуруҳида (1-гуруҳ) жами 30 нафар бемор (ўртача ёши – $49,6 \pm 2,70$) бўлиб, шундан 13 нафари аёл (43,3%, ўртача ёши – $50,7 \pm 3,28$) ва 17 нафари эркак (56,7%, ўртача ёши – $50,2 \pm 3,49$) ларни ташкил қилди. Асосий гуруҳда (2-гуруҳ) ҳам жами 30 нафар бемор (ўртача ёши – $56,1 \pm 2,41$) бор: 13 нафари аёл (43,3%, ўртача ёши – $60,2 \pm 2,48$) ва 17 нафари эркак (56,7%, ўртача ёши – $52,9 \pm 3,69$)

киши. Беморларнинг 2-гуруҳига 1-гуруҳдан фарқли равишда, терапевтик даво билан биргаликда соҳа мутахассислари билан биргаликда ишлаб чиқилган кам оксилли парҳез (КОП) тавсия қилинди. Илмий изланишлар давомида беморларни шифохонага келган куни, шифохонадан чиқарилган куни ва 6 ой давомида ҳар ой марказда қон (умумий оксил, креатинин, мочевина ва гемоглобин) ва пешобдаги (протенурия, пешоб ранги ва зичлиги, кислоталиги, микроальбумин, креатинин, лейкоцит ва эритроцитлар) асосий биокимёвий кўрсаткичлари лабораторияда текширилди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Диссертацияни «**Сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларнинг ижтимоий - гигиеник тавсифи ва беморларнинг ҳаёт сифатига баҳо бериш**» деб номланган учинчи бобида СБК бўлган беморларнинг ижтимоий-гигиеник тавсифи ва касалликнинг хавф омиллари таҳлил қилган.


Тадқиқотда беморларни ёш бўйича таҳлилида 18 ёшдан 39 ёшгача бўлган эркеклар 19,4% ни, аёллар эса 14,9% ни, 40 ва ундан катта ёшдаги беморлар мос равишда 80,6 ва 85,1% ни ташкил қилди. Беморларнинг маълумот даражаси ва ижтимоий ҳолати таҳлил қилиб, беморларнинг 2/3 қисмини ўрта маълумотли, деярли 1/3 қисмини олий маълумотли ва 2 нафарини эса тугалланмаган ўрта маълумотли эканлиги аниқланди.

Кузатув остидаги беморларнинг 44,8%и меҳнат қобилиятини йўқотган, 21,9%и ишсиз ва 33,3% муқобил иш жойига эга эканлиги қайд қилинган. СБК билан касалланиш давомийлиги бўйича 1 йилгача касалликни бошидан кечираётганлар ҳар иккала жинс вакилларида деярли бир хил кўрсаткич олинган – 54,8% (аёлларда – 40 нафар, эркекларда – 17 нафар). 2 йил давомида даволанаётган аёллар эркекларга нисбатан кўпроқни ташкил қилган бўлса, 4 йилдан ортиқ вақт давомида касаллик билан азият чекаётган эркеклар аёлларга нисбатан кўплиги аниқланди. Йил давомида 3 мартагача мурожат қилган беморлар 68,5% ни (аёлларда – 50 нафар, эркекларда – 22 нафар), қолганлари эса умумий аҳволи ўртача оғир (28 нафар) ва оғир (5 нафар) бўлган беморлар эканлиги кузатилди.

Беморларнинг маиший-турмуш шароитлари ўрганиш учун ўтказилган сўровномада иштирок этганларнинг деярли ярми (52,4%) яшаш шароитини қониқарлигини, яъни улар барча коммунал қулайликларга эга бўлган шахсий уйда ёки кўп қаватли уйда истиқомат қилишади. Беморларнинг 2/3 қисмида яшаш шароитлар юқори даражада шахсий уйдан ташқари, шахсий автомашинаси ва оила учун керакли бўлган барча шароитларга эга эканлигини билдиришган. Фақатгина 12,4% бемор эса яшаш шароити қониқарсиз, ижара ёки чегараланган қулайликларга эга бўлган хонадонларда истиқомат қилишганлиги аниқланди. 58,1% беморларда ишхонадаги руҳий муҳитнинг яхши эмаслиги аниқланган бўлса, бу кўрсаткич назорат гуруҳида 32,7% ни ташкил қилади.

Беморлар орасида кунига 5 тагача чекадиганлар асосий гуруҳда 89,5%ни, назорат гуруҳида эса 96% ни, 20 йил ва ундан ортиқ чекувчилар

мос равишда 31,4% ва 6,0% ни ташкил қилди. Асосий гуруҳдаги беморларнинг 30,5%и алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилишини айтиб ўтишган. Беморларнинг 11 нафарида 1- ва 2-даражали семизлик аниқланган бўлса, шунинг асосий қисмини (91%) аёллар ташкил қилган (1-расмга қarang).



1-расм. Сурункали буйрак касаллиги бўлган асосий гуруҳдаги беморларнинг тана вазни индекси кўрсаткичлари бўйича тақсимланиши, %

СБК бўлган беморларда қон зардобдаги кератинин, ёш ва тана вазни орқали СКД-ЕРІ формуласи ёрдамида КФТни аниқлаб, беморларнинг аксариятида (77 нафар) касалликнинг 3-босқичини бошидан кечираётганлиги кузатилди. СБК бўлган беморларнинг 35,6% беморнинг яқин қариндошлари орасида буйрак касалликларининг у ёки бу тури қайд қилинган бўлса, 42,0% беморлар анамнезида зарарли омиллар шароитларида узок вақт давомида меҳнат қилганлиги аниқланган.

СБК бўлган беморларда ёндош касалликлари таҳлилида биринчи ўринни пешоб-таносил тизими касалликлари, иккинчи ўринда эндокрин касалликлари, овқатланиш ва модда алмашинуви бузилишлари, учинчи ўринни қон ва қон яратувчи аъзолар касалликлари, тўртинчи ўринни туғма нуқсонлар, шаклнинг ўзгариши ва хромосома касалликлари ва бешинчи ўринни баъзи юқумли ва паразитар касалликлар ва қон айланиш тизими касалликлари эгаллаган. Беморларда аниқланган касалликларни назологик шакллари таҳлилида, биринчи ўринни аёлларда қандли диабет эркакларда эса сурункали гломерулонефрит ва сурункали пиелонефрит қайд этилган. Иккинчи ўринни аёлларда сурункали гломерулонефрит ва сурункали пиелонефрит, эркак жинсли беморлар орасида эса қандли диабет касаллиги қайд этилди. Учинчи ўринни бўлган қон ва қон яратувчи аъзолар касалликларидан темиртанқислиги камқонлиги эгаллаган.

СБК бўлган беморларнинг ақлий фаолиятини махсус тестлар орқали ўрганилиб натижалари таҳлил қилинганда 71,4% бемор амалда соғлом, 18,1%

беморда пўстлоқ ости деменция, 10,5% беморда альцгеймер типидаги деменция мавжудлиги аниқланди.

Асосий гуруҳда 35,2% беморлар ўз саломатлик ҳолатини ёмон, 54,3% – қониқарли 9,5% – яхши ва 1,0% – жуда яхши деб баҳолаган бўлса, назорат гуруҳида ўз саломатлик ҳолатини 9,3% беморлар қониқарли, 33,3% – яхши, 32,0% – жуда яхши, 25,3% – аъло, деб баҳолаган. Жумладан, саломатлик ҳолатини қониқарли деб баҳоловчи беморлар назорат гуруҳида асосий гуруҳга нисбатан 5,8 марта кам, аксинча саломатлик ҳолатини яхши ва жуда яхши деб баҳоловчи беморлар 10 марта кўп қайд этилди.

Беморларнинг 45,3% ўзини бошқаларга нисбатан касалликка тез берилувчан, деб ҳисоблайди. 40,7% саломатлигини бошқаларга нисбатан ёмон эмас, деб таъкидлаган. 44,7% бемор саломатлигининг ёмонлашиш эҳтимоли мавжудлигидан хавотирда. Назорат гуруҳидаги шахсларнинг эса 80,7% сўровнома ўтказилгандан кейин ўз саломатлик ҳолатини яхши, деб баҳоламоқда.

Хулоса қилиб айтишимиз керакки, СБК келиб чиқишида яшаш шароити, ишлаш ва дам олиш тартиби, зарарли одатлар, овқатланиш рациони ва тиббий билим даражаси каби омилларнинг бевосита салбий таъсир кўрсатганлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларнинг ҳақиқий овқатланишини гигиеник таҳлили**» деб номланган тўртинчи бобда СБК бўлган беморлар овқатланишини қиш-баҳор ва ёз-куз мавсумларига ажратган ҳолда ўрганиб, овқат рационидаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқа моддаларини белигиланган меъёрлар билан солиштирилган.

Қиш-баҳор мавсумидаги овқатланиш таҳлил қилинганда, 1-гуруҳга мансуб эркак беморлар дуккакли (нўхат, мош, ловия) маҳсулотларни меъёрга нисбатан 1,24 марта, аёллар эса 1,26 марта кўп, пишлоқ ва бринзани эса эркаклар меъёрдан 1,14 марта, аёллар 1,2 марта кўп истеъмол қилишган. Буғдой унидан тайёрланган маҳсулотлар эркаклар овқат рационида меъёрдан 1,22 марта, аёлларда эса 1,04 марта кўп эканлиги аниқланди (1-жадвалга қаранг). Гўшт маҳсулотларидан мол гўшти эркакларда меъёрдан 23,1%, аёлларда 29,0%, товуқ гўшти жинсига мос равишда 47,0% ва 19% кам истеъмол қилинганлиги аниқланди. Балиқ маҳсулотлари ҳар иккала жинс вакилларида ҳам кўпол равишда меъёрга нисбатан жуда кам (72%) истеъмол қилишини кузатилди. Сут маҳсулотлари танқислиги эркакларда 12,0-50,3%, аёлларда эса 18,0-51,5% ни ташкил қилган. Овқат рационини таҳлили қилиш жараёнида ўсимлик мойи тақчиллиги: эркакларда – 15,2%, аёлларда – 16,4% меъёрга нисбатан камлиги аниқланди. Сабзавотлар, полиз маҳсулотлари, мева ва тар меваларни эркаклар – 53,3-72,7%, аёллар – 47,8-76,7%, картошкани эса мос равишда 11,8 ва 18,5% кам истеъмол қилишган. Тухум истеъмолини меъёрдан камлиги ҳам қайд этилди: эркакларда 16,7%, аёлларда 15,0%. Шакарни ҳар иккала жинс вакиллари ҳам меъёрнинг $\frac{1}{4}$ қисмини истеъмол қилганлиги аниқланди.

Кузатув остидаги 2-гурух беморлар овқатланишини қиш-баҳор мавсуми таҳлилида куйидагилар аниқланди: ёрмалар истеъмоли эркакларда – 15,0%, аёлларда – 16,3% меъёрдан кўп, пишлоқ истеъмол ҳам мос равишда 11,3 ва 13,8% кўп. Бошқа маҳсулотларнинг истеъмол қилиниши ҳам меъёрдан кам: мос равишда гўшт маҳсулотлари – 27,3 ва 26,4%, колбаса – 47,1 ва 20,9%, сут маҳсулотлари – 15,0-48,8% ва 19,2-51,6%, картошка – 13,3 ва 15,5%, ўсимлик ёғи – 23,0 ва 26,0% кам эканлиги аниқланди. Сабзавот, полиз маҳсулотлари ва меваларнинг меъёрдан анча паст (эркакларда – 51,3-68,4%, аёлларда – 51,9-69,7%) эканлиги кузатилди. Ёз-куз мавсумида қиш-баҳор мавсумидан фарқли равишда 1-гурух эркак беморларда полиз маҳсулотлари истеъмоли меъёрдан 7,8% га ошган. Аёл беморларда мева ва тар мевалар истеъмоли меъёрдан 1,12 марта кўп бўлган.

Ёз-куз мавсумида қиш-баҳор мавсумдан фарқли равишда, 1-гурух эркак беморларда полиз маҳсулотлари истеъмоли меъёрдан 7,8% га ошган. Аёл беморларда мева ва тар мевалар истеъмоли меъёрдан 1,12 марта кўп бўлган. Бошқа маҳсулотлар (гўшт ва гўшт маҳсулотлари, балиқ, сут ва сут маҳсулотлари, қандолат маҳсулотлари ва бошқалар) истеъмоли эса ўзгариш бўлмаган ҳолда меъёрдан кам эканлиги аниқланди. Худди шундай кўрсаткичлар СБК бўлган кекса ёшли 2-гурух беморларда ҳам кузатилди. Ёз-куз мавсумида эркак беморлар полиз маҳсулотларини меъёрдан кўпроқ (10,3%) истеъмол қилишган, бошқа маҳсулотлар истеъмоли эса меъёрдан камлиги кузатилди.

Қиш-баҳор мавсумида 1-гурухга кирувчи эркак беморларда кувватмандлик $1865,0 \pm 49,2$ ккал, аёл беморларда $1787,9 \pm 41,1$ ккал.ни ташкил қилган бўлиб, жинсига нисбатан мос равишда меъёрдан 1,29 ва 1,31 мартага кам бўлган. Эркаклар овқат рационида умумий оқсил $48,1 \pm 12,2$ г бўлиб, меъёрга нисбатан 33,9%, аёллар эса $49,8 \pm 1,8$ г ва меъёрдан 28,9% кам бўлган. Овқат рационида ҳайвон оқсили умумий оқсилга нисбатан жинсга мос равишда 47,0 ва 49,8% бўлган. Ёғлар меъёрдан 19,1 ва 32,2%, углеводлар 20,5 ва 11,8% кам эканлиги кузатилди.

Озиқавий қийматга эга бўлган макронутриентлар (оқсил:ёғ:углевод) нисбати меъёрда 1:1:4 бўлиши керак, ҳақиқатда эса эркакларда 1,0:1,2:5,8 ва аёлларда 1,0:1,1:5,8 га тенг бўлган. Эркакларда кальций миқдори меъёрдан 42,1%, аёлларда эса 43,3%, фосфор ва магний мос равишда 32,1-41,3% ва 30,4-40,9%, темир 26,0 ва 13,0% кам эканлиги бўлган. Беморлар овқат рационида Са:Р нисбати эркакларда 1:1,4; аёлларда 1:1,5 ни тақшил қилган бўлса, Са:Mg нисбати иккала жинс вакилларида ҳам 1:0,4 эканлиги аниқланди. Эркак беморлар овқат рационида С витамини меъёрдан 43,0%, аёлларда эса 55,0%, мос равишда А витамини 54,4 ва 59,1%, В₁ витамини 40,7 ва 36,9%, В₂ витамини 62,5 ва 58,7% га кам.

1-жадвал

Сурункали буйрак касаллиги бўлган беморлар овқат рационидagi асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг ўртача суткалик миқдори (меъёрга нисбатан %да)

№	Озиқ-овқат маҳсулоти	Эркаклар, 18-59 ёш (n=20)		Аёллар, 18-54 ёш (n=26)		Эркаклар, 60 ёшдан катта (n=11)		Аёллар, 55 ёшдан катта (n=48)	
		киш-бахор	ёз-куз	киш-бахор	ёз-куз	киш-бахор	ёз-куз	киш-бахор	ёз-куз
1	Дуккакдилар	124,4	76,7	125,9	84,7	119,5	84,4	115,7	81,4
2	Буғдой уни	122,0	82,0	104,0	90,0	92,5	90,0	95,0	87,5
3	Бошқа турдаги ун	65,0	55,0	56,0	50,0	56,7	50,0	58,0	50,0
4	Гуруч	111,5	77,5	112,0	80,7	94,4	84,4	95,8	81,7
5	Ёрмалар	126,0	76,0	131,0	69,0	115,0	77,5	116,3	78,8
6	Нон маҳсулотлари	83,7	68,4	84,6	66,3	78,3	63,6	82,2	67,3
7	Макаронлар	79,5	62,0	80,7	64,7	77,5	61,3	76,7	67,3
8	Картошка	88,2	65,9	81,5	63,6	86,7	65,9	84,5	63,2
9	Карам	27,3	57,5	28,3	59,3	32,0	61,8	32,8	66,6
11	Бодринг ва помидор	29,7	74,7	30,2	79,7	30,4	69,0	38,1	67,9
12	Лавлаги, сабзи	41,5	44,8	48,8	54,5	44,7	51,2	46,3	53,1
13	Бошқа сабзавотлар	46,7	81,8	48,1	85,2	52,8	83,4	48,1	81,8
14	Полиз экинлари	37,5	107,8	23,3	83,3	31,6	110,3	30,3	83,5
15	Мева ва тар мевалар	46,9	83,6	52,2	112,3	48,7	86,6	47,1	73,6
16	Қуруқ мевалар	123,9	70,0	74,5	38,5	62,9	55,4	69,7	47,5
17	Цитрус мевалар	126,0	66,0	119,0	59,0	131,3	71,3	137,5	76,3
18	Мол гўшти	76,9	63,8	71,0	59,6	72,7	63,6	73,6	64,6
19	Қўй гўшти	47,5	43,0	43,5	37,5	42,0	34,7	33,0	27,5
20	Товуқ гўшти	53,0	63,0	81,0	87,0	68,7	64,7	87,5	80,0
21	Колбаса маҳсулотлари	68,5	48,5	93,6	67,9	52,9	41,0	79,1	62,7
22	Балиқ маҳсулотлари	27,6	30,2	28,0	30,0	29,7	34,9	25,2	35,6
23	Сут	49,7	42,2	48,5	41,0	51,2	44,9	48,4	40,5
24	Сметана, қаймоқ	56,5	47,5	53,5	45,0	57,5	50,6	53,1	46,3
25	Ҳайвон ёғи	55,0	40,7	52,0	43,5	52,1	45,0	68,0	55,3
26	Творог	88,0	76,7	82,0	65,3	85,0	74,2	80,8	51,3
27	Пишлоқ, бринза	114,0	81,0	120,0	74,0	111,3	82,5	113,8	77,5
28	Тухум (дона)	83,3	62,2	85,0	62,5	87,1	68,6	85,7	64,3
29	Шакар	23,8	22,5	25,4	21,7	18,6	16,8	17,8	17,3
30	Ўсимлик мойи	84,8	69,2	83,6	63,6	77,0	62,5	74,0	56,5

СБК бўлган 2-гуруҳга кирувчи кекса ёшли беморларнинг овқат рациони кувватмандлиги қиш-баҳор мавсумида эркак беморларда кувватмандлик $1552,9 \pm 79,2$ ккал бўлиб, меъёрдан 33,9%, аёл беморларда эса $1694,0 \pm 33,1$ ккал ва меъёрдан 19,3% кам эканлиги аниқланди. Эркаклар овқат рационида умумий оксил $47,2 \pm 3,5$ г бўлиб, белгиланган меъёрнинг 33,5% ни ташкил қилган, шунинг 45,1%и ҳайвон оксидидан иборат бўлган. Аёл беморларда умумий оксил миқдори $49,8 \pm 1,4$ г ва меъёрдан 32,7% кам, ҳайвон оксиди умумий оксилнинг 49,8% ни ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин. Овқат рационидаги ёғларнинг миқдори эркакларда 30,0%, аёлларда 32,6%, углеводлар мос равишда 21,3 ва 12,8% тавсия этилган меъёрдан кам бўлган.

Макронутриентлар нисбати эркакларда 1,0:1,1:4,7, аёлларда 1,0:0,9:5,1 ни ҳосил қилган. Кунлик овқат рационида макронутриентларни таҳлил қилиб, эркакларда кальций, фосфор, магний ва темирнинг миқдори мос равишда 45,8; 30,6; 38,4 ва 25,0%, аёллар 43,3; 30,4; 40,9 ва 24,0% меъёрдан кам эканлиги аниқланди. Овқат рационида Са:Р ва Са:Мg нисбати иккала жинс вакилларида ҳам мос равишда 1:1,5 ва 1:0,5 эканлиги кузатилди. С витамини билан таъминланганлик эркакларда меъёрдан 65,6%, А витамини – 56,8%, В₁ витамини – 35,7%, витамин В₂ – 62,5%, аёлларда бу кўрсаткич мос равишда 67,5; 47,6; 36,9 ва 58,7% ни ташкил қилган.

Макронутриентлар нисбати эркакларда 1,0:1,1:4,7, аёлларда 1,0:0,9:5,1 ни ҳосил қилган. Кунлик овқат рационида макронутриентларни таҳлил қилиб, эркакларда кальций, фосфор, магний ва темирнинг миқдори мос равишда 45,8; 30,6; 38,4 ва 25,0%, аёллар 43,3; 30,4; 40,9 ва 24,0% меъёрдан кам эканлиги аниқланди. Овқат рационида Са:Р ва Са:Мg нисбати иккала жинс вакилларида ҳам мос равишда 1:1,5 ва 1:0,5 эканлиги кузатилди. С витамини билан таъминланганлик эркакларда меъёрдан 65,6%, А витамини – 56,8%, В₁ витамини – 35,7%, витамин В₂ – 62,5%, аёлларда бу кўрсаткич мос равишда 67,5; 47,6; 36,9 ва 58,7% ни ташкил қилган.

Илмий изланишларимизнинг кейинги босқичи СБК бўлган беморларнинг ёз-куз мавсумидаги овқат рациони таҳлил қилишдан иборат бўлди. Ёзги-кузги мавсумда 1-гуруҳдаги эркак беморлар овқат рациони кувватмандлиги $1787,1 \pm 42,6$ ккал, аёлларда эса $1697,3 \pm 31,4$ ккал ташкил қилиб, бу меъёрга нисбатан мос равишда 25,5 ва 27,8% кам эканлигини кўрсатади. Умумий оксил миқдори меъёрдан 26,6% кам, шу билан бирга ҳайвон оксиди унинг 40,1% ни ҳосил қилган. Аёл беморларда бу кўрсаткич мос равишда 20,7 ва 39,8% эканлиги аниқланди. Ёғлар эркак беморларда меъёрдан 26,1%, аёл беморларда эса 27,3%, углеводлар мос равишда 24,2 ва 17,9% кам бўлган.

Минерал элементларни таҳлил қилганда қуйидаги кўрсаткичлар аниқланди: эркакларда – кальций 43,1%, фосфор 34,4%, магний 38,7%, темир 19,0% меъёрдан кам бўлган бўлса, аёлларда бу кўрсаткичлар мос равишда 45,7; 32,4; 33,9 ва 12,0% кам эканлигини кўришимиз мумкин. Беморлар овқат рационида Са:Р нисбати эркакларда 1:1,4; аёлларда 1:1,5 бўлса, Са:Мg нисбати жинсига мос равишда 1:0,4 ва 1:0,5 эканлиги аниқланди. Эркакларда витамин С – 20,4%, витамин А – 43,6%, витамин В₁ – 47,1%, витамин В₂ –

46,9% меъёрдан камлиги аниқланган бўлса, аёлларда бу кўрсаткичлар мос равишда 33,0; 45,4; 45,4 ва 47,3% бўлган.

Ёз-куз мавсумида 2-гуруҳга эркак беморларда қувватмандлик 1525,3±41,9 ккал бўлиб меъёрдан 35,1%, аёл беморларда 1594,8±24,8 ккал ва меъёрдан 24,1% кам бўлган. Умумий оқсил эркакларда меъёрдан 23,5% кам, шу жумладан умумий оқсилнинг 38,3% ҳайвон оқсидан иборат бўлган, аёлларда бу кўрсаткич мос равишда 29,6 ва 42,8% ни ташкил қилган. Овқат рационида ёғнинг етишмаслиги беморларнинг жиснига мос равишда 33,3 ва 36,3%, углеводлар эса 24,4 ва 19,8% эканлиги кузатилди. Оқсил, ёғ, углеводлар нисбати эркакларда 1:0,9:4,5 ва аёлларда 1:0,9:4,5 эканлигини кўришимиз мумкин.

СБК бўлган беморлар овқат рационини минерал элементлар билан таъминланганлик бўйича таҳлилда эркакларда кальций 47,9%, фосфор 32,3%, магний 34,1%, темир 21,0% меъёрдан кам бўлса, аёлларда бу кўрсаткич мос равишда 45,6; 32,9; 35,0 ва 23,0% эканлиги аниқланди. Овқат рационидаги Са:Р нисбати эркакларда 1:1,6; аёлларда 1:1,5 бўлса, Са:Mg нисбати жинсидан қатъий назар 1:0,5 эканлиги аниқланди. Эркак беморлар овқат рационида витамин С меъёрдан 54,1%, витамин А 51,3%, витамин В₁ 46,4%, витамин В₂ 56,9% кам бўлган. Худди шундай паст кўрсаткичлар аёл беморларда ҳам қайд этилган: мос равишда 55,4; 41,8; 43,8 ва 52,7%.

